

## ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

Эшмурадов Олмосбек Эломанович

*Termiz davlat pedagogika instituti docent v.b*

Мактабгача ёшдаги болалар имкониятларидан самарали фойдаланишнинг муҳим шarti улар билан ишлашда қўлланаётган метод ва тарбия шакллариининг болалар психофизиологик хусусиятларига мос бўлишидир. Таълим-тарбия жараёни асосан дидактик ўйинлар, турли хил амалий ва тасвирий фаолият шаклларида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Психолог ривожлантирувчи ишларининг моҳияти шундаки, улар ёрдамида боланинг турли билиш жараёнлари ва шахсий хусусиятлари ривожланишига ижобий туртки берилади, улар такомиллаштирилади.

Психолог амалиётдан кўринадики, бола жисмоний, ақлий ривожланиши қонуниятларини билмаслик оқибатида ота-оналар ва фарзандлар орасида низоларни юзага келиши, ота-оналар томонидан болаларига уларнинг ёшига мос бўлмаган талабларни қўйишлари хос эканлиги кўринади. Бундай ҳолда психолог бола психик ривожланиш хусусиятларини ётиғи билан ота-оналарга тушунтириб қўйиши, уларга бола билан бўлган мулоқот услубини ўзгартириш, унга қўяётган талабларга эътиборлироқ бўлишини тавсия этиши лозим бўлади. Шу ўринда бола хулқ-атворидаги оғишларига шунингдек, нерв-психик бузилишлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Улар неврозлар, психосоматик касалликлар, психик ривожланишда орқада қолиш асоратлари кабилар кўринишида намоён бўлади. Бу ҳолда психолог кўлидан келган ёрдамни кўрсатиб, мутахассис - психоневролог, невропатолог, психиатрга мурожат қилишни маслаҳат бериши керак: в) боланинг хулқ - атворидаги оғишларига нотўғри оилавий тарбия сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Мактабгача таълим ташкилотларида олиб бориладиган психологик хизматни анъанавий равишда барча йўналишларда олиб бориш мақсадли бўлади. Жумладан, психологик диагностика - ушбу йўналиш болаларни психологик-педогогик жиҳатдан чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг индивидуал хусусиятларини, таълим ва тарбиясидаги нуқсонларнинг сабабини аниқлашга мўлжаллангандир. Диагностик ишлар гуруҳий ёки якка тартибда (индивидуал тарзда) ўтказилади. Натижада болаларни муҳитга мослашиш хусусиятларини ўрганиш, уларни мактаб таълимига психологик тайёргарлик даражасини аниқлаш, аксил ижтимоий хулқ-атвор сабаблари ва уларнинг шакллари аниқлаш мумкин бўлади.

Психологик профилактика йўналишида педагог ва ота-оналарда болаларнинг ҳар бир ёш давридаги психик тараққиёти ҳақидаги психологик билимларни эгаллаш эҳтиёжларини таркиб топтириш, бола шахси ва ақлий тараққиётида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оғишларнинг ўз вақтида олдини олишга қаратилган психологик тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

Психологик маърифат ва ташвиқот йўналишида педагогик жамоа, болаларни ва ота–оналарни психологик билимларни эгаллашга жалб этиш, уларнинг психологик маданиятини ошириш учун турли машғулотлар, ўқувлар, маърузалар уюштириш зарур бўлади.

Психологик коррекция йўналиши инсон шахси ва индивидуаллигини таркиб топтириш жараёнига фаол таъсир этишни тақоза қилади. Ривожлантирувчи ва психокоррекция ишлар психолог томонидан ҳар-хил шаклларда, вазиятларда ва ҳолатларда ташкил қилиниши, машғулотни айрим болалар билан алоҳида ўтказилиши режалаштирилади.

Психологик маслаҳат йўналиши индивидуал, гуруҳий тарзда ўтказилади, профилактик ва коррекция характерга эга бўлади. Бу жараёнда болалар ва таълим-тарбия иши билан шуғулланувчи: маъмурият, тарбиячилар, ота-оналарларга аниқ маслаҳатлар бериш; бунда боланинг ёш, жинс, шахсий типологик хусусиятлари муаммоси юзасидан илмий амалий маълумотлар бериш муҳим этиб белгиланади.

Сўнгги йилларда мактабгача таълим ташкилотларида психологик хизмат оммалашиб бормоқда. Айни вақтда педагогика олий ўқув юртлирида мактабгача тарбия ташкилотларида фаолиятини олиб борадиган амалиётчи мутахассислар, психологлар тайёрланади. Уларга ёш даврлари, педагогик психология фанлари чуқурлаштирилиб ўқитилади.

Мактабгача таълим ташкилотларининг психологлари амалиётида асосан ота-оналарнинг қуйидаги бир неча гуруҳдаги мурожаати учрайди:

1. Психологга мурожаатлар билиш характерига эга. Ота-она боланинг психик ривожланишини назорат қилиш кераклигини тушуниб, психологга фарзандларининг психик ва ақлий ривожланиш даражасини аниқлаб бериш илтимоси билан мурожаат қиладилар.

2. Мактабгача ёшдаги болаликнинг инсон шахси шаклланиши ва ақлий ривожланишидаги аҳамияти таълим тизимидаги ўзгаришлар таъсирида кўплаб ота-оналар фарзандларини таълимга анча эрта тайёрлаб бориш кераклигини англай бошладилар.

3. Психологга мурожатлар болаларнинг қобилиятларини эрта аниқлаб бериш юзасидан бўлиб, ота - оналарни психолог ҳузурига етакламоқда.

4. Ота-оналар асосан болаларнинг агрессивлиги, тортинчоқлиги, хаёлпарастлиги, эмоционал беқарорлиги, асабийлашувчанлиги, қайсарлиги каби жиҳатлари юзасидан ташвишланадилар.

Бундай мурожаатлардан кўринадики, болалар хулқидаги оғишишлар асосида ётган сабабларни ота-оналар ва тарбиячиларга тушунтириш заруратдир. Шунинг учун амалиётчи психологлар фаолиятида ота-оналарнинг бола психик ривожланиш қонуниятларига оид билимларини кенгайтириш масаласи туради.

Болани ҳаддан ташқари кўп эркалатиш, кўрқитиш, оғир жисмоний жазолар, бефарқлик каби ота - оналарнинг тарбия бобидаги хатолари бола хулқидаги нормадан четга чиқишнинг сабабига айланиши мумкин. Бундай ҳолда бир мартаба бериладиган консультация билан чегараланиб бўлмайди.

Ота-оналар билан мунтазам тушунтириш ишлари олиб боришга тўғри келади.

Мактабгача ёшдаги болалар билан ўтказиладиган ривожлантирувчи ишларнинг асосий шакли ўйиндир, чунки ўйин ушбу даврдаги етакчи фаолият сифатида боланинг психик ривожланиши учун қулай шароит яратади. Аини вақтда бола ўйин давомида янги билимларни эгаллаб боради.

Демак, мактабгача тарбия ташкилотлари ва улардаги муаммоларнинг ўзига хослиги психологнинг ушбу ташкилотда ишлаш чоғида унинг ўзига хос томонларига алоҳида эътиборли бўлишни талаб қилинар экан. Психолог бу талабни доимо эътиборга олиши нақадар зарур эканлигини ҳис қилса мақсадга мувофиқ бўлади .

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Акрамова Ф.А. Ўзбекистонда оилавий психологик хизматнинг ижтимоий-психологик муаммолари: Монография. – Т.: «Lesson-press» нашриёти, 2021 й. – 178 б.
2. Баратов Ш. Таълимда психологик хизмат асослари. – Бухоро: Бухоро давлат университети, 1999. – 86 б.
3. Нишанова З.Т. Психологик хизмат: Ўқув қўлланма. Т.: Yangi yul Poligraph service, 2007. – 158 б.
4. Умаров Б.М. Психологик хизматнинг ижтимоий-психологик муаммолари // Ўзбекистонда психологик хизматнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2015. – Б. 224
5. Eshmurodov, O., & Eshboyeva, B. (2023). O'SMIRLIK DAVRIDA JINSIY STERIOTIPLARNING YOSH XUSUSIYATLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8388>
6. Elamanovich, O. E. (2022, October). OILAVIY MUNOSABATLARDAGI NIZOLARNING KELIB CHIQUISH SABABLARI. In Archive of Conferences (pp. 1-7).
7. Elomonovich, E. O. (2022). OILA PSIXOLOGIYASINING NAZARIY ASOSLARI, OILAVIY MUNOSABATLAR PSIXOLOGIYASI. Gospodarka i Innovacje., 20, 49-51.
8. Eshmuradov Olmosbek Elamanovich (2021). OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISH OMILLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (4), 1318-1323.
9. М. А. Тилакова, & О. Э. Эшмурадов (2021). КРЕАТИВ КОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ. Scientific progress, 1 (6), 143-149.
10. Eshmurodov, O. (2023). SOG'LOM PSIXOLOGIK MUHIT OILA BARQARORLIGINING OMILI SIFATIDA . Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9088>

11. Eshmurodov, O. (2023). ҚИЗЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9087>
12. Eshmurodov O. E. SOCIAL-PSYCHOLOGICAL FACTORS OF MAINTAINING FAMILY-MARRIAGE RELATIONS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 12. – С. 803-807.
13. Эшмурадов О. Э. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ШАХС МОСЛАШУВЧАНЛИГИ ХУСУСИЯТИНИНГ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИГА ТАЪСИРИ: DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.21.57.012> Эшмурадов Олмосбек Эламонович, Термиз давлат университетининг Педагогика институти Психология кафедраси катта ўқитувчиси //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2021. – №. 1-Махсус сон. – С. 377-380.
14. Eshmurodov, Olmosbek. "ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ." *Scienceweb academic papers collection* (2022).
15. Эшмурадов О. Э. Оиланинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш имкониятлари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 1082-1085.
16. Эшмурадов, О. Э. "Оилавий муҳит ва оилавий муносабатлар психологиянинг ўрганиш предмети сифатида." *ЎзМУ хабарлари*” Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий журнали (2019): 162-164.
17. Eshmurodov O. ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ //Scienceweb academic papers collection. – 2022.

